

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МАҲАММАДИЕВ САМАД ҚИЛИЧЕВИЧ**

**КУЗГИ БУҒДОЙ ДОНИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШДА НАВ ВА  
ЎҒИТНИНГ АҲАМИЯТИ**

**06.01.04 – Агрокимё**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2019**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Махаммадиев Самад Қиличевич**

Кузги буғдой донининг сифатини оширишда нав ва ўғитнинг аҳамияти.. 3

**Махаммадиев Самад Қиличевич**

Значение сорта и удобрений в повышении качества зерна озимой  
пшеницы..... 21

**Makhammadiev Samad Kilichevich**

The value of varieties and fertilizers the improving the quality of winter  
wheat grain..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 45

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МАҲАММАДИЕВ САМАД ҚИЛИЧЕВИЧ**

**КУЗГИ БУҒДОЙ ДОНИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШДА НАВ ВА  
ЎҒИТНИНГ АҲАМИЯТИ**

**06.01.04 – Агрокимё**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2019**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx15 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.soil.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Саттаров Джуракул Саттарович  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:** Ниязалиев Бегали Ирисалиевич  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш  
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Атабаев Маъруф Махмудович  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент  
Тошкент давлат аграр университети

**Етакчи ташкилот:** Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти  
Қашқадарё филиали


Диссертация химояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «09» 01 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3 уй. Тел.:(+998) 71-246-09-50; факс: (+998) 71-246-76-00; e-mail: info@soil.uz)


Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (48 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3 уй. Тел.:(+998) 71-246-15-38

Диссертация автореферати 2019 йил «23» 12 куни тарқатилди.  
(2019 йил «23» 12 №27- рақамли баённомаси)



  
Р.Қ.Қўзиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор

  
Н.Ю.Абдурахмонов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

  
М.М.Тошқўзиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда «дунёда 216,0 млн. гектар атрофида майдонда буғдой етиштирилиб, 765,0 млн. тонна дон ҳосили олинган»<sup>1</sup>. «Дунё бўйича етиштирилаётган буғдой донининг 50 фоиздан ортиғи кучсиз, 25–30 фоизи ўртача (феллер), 15–20 фоизи кучли, яъни юқори дон сифатига эга бўлган буғдойлар ташкил этади. Кучли буғдойлар Канада, Аргентина АҚШ, МДХнинг жанубий ҳамда жанубий-шарқий қисмларидагина етиштирилмоқда»<sup>2</sup>. Бошқа ҳудудларда буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш учун аниқ ишланмалар лозим. Ўғит ҳосил сифатини кўтариш имконини берадиган самарали ва тез таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш масаласини тупроқ ва нав хосса-хусусиятларини эътиборга олган ҳолда минерал ўғитлар қўллашнинг мақбул тизимини ишлаб чиқиш, тупроқда энг яхши озик муҳитини шакллантириш ва ўсимликда зарур кимёвий таркибни ҳосил қилиш орқали ечиш долзарб ҳисобланади.

Дунёда ғалла етиштирувчи илғор давлатлар олимлари томонидан буғдой ҳосилдорлигини ошириш, дон сифатини яхшилаш бўйича бир қатор устувор йўналишларда кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўсимлик биологик хусусиятларини, тупроқ хоссаларини, тупроқ-иқлим шароитларини ва ўғит хусусиятларини инобатга олган ҳолда минерал ўғитларнинг мақбул меъёри, муддати ва қўллаш усулларини ишлаб чиқиш, тупроқ озик муҳитини мақбуллаштириш, ўсимликда зарур кимёвий таркибни шакллантириш, ўсимлик озикланишини бошқаришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан буғдой ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитлардан самарали фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «...тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўғитдан фойдаланишнинг самарали тизимини жорий этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва янада ошириш чораларини кўриш»<sup>3</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу туфайли Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларида кузги буғдой навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган минерал ўғитлар қўллашнинг мақбул тизимини ишлаб чиқиш, кузги буғдой ривожланиш фазаларининг аниқ муддатларда тупроқда ҳосил бўлган озик муҳитини ва ўсимликда озик элементлар миқдори ва нисбатини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> <https://www.fao.org> 2019

<sup>2</sup> Собко А.А., Николаев Е.В. Филпьев И.Д. Агротехника сильной пшеницы. С.: Таврия, 1974. С. -18.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 806-сон «Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 30 сентябрдаги 831-сон «2020 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари навларини жойлаштириш ва бошоқли дон етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Буғдойга ўғит қўллаб юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш бўйича хорижлик олимлар Y.Wang, O.Parades-Lopes, L.Dandan, Y.F.Wang, X.Liu, Y.Shi, Shi-Zhao, L.Litke, П.И.Суднов, В.Н.Ремесло, Е.Н.Пасынкова, Г.Н.Быков, Ю.В.Колмоков, А.М.Мазун, К.Н.Неволина, Н.Н.Новиков, А.В.Гореловлар, республикамик олимларидан А.Омонов, Р.Сиддиқов, Ж.Саттаров, Р.Тиллаев, З.Ф.Зиядуллаев, Б.Атоев, А.Авлиякулов, М.Бекбўтаев, И.Эгамов, Ж.Умаров, А.Нурбеков, А.Жўраев, Т.Атакулов, Н.Махмудхўжаев, Т.Халилов, Т.Ўринбоев, Ю.Джуманиязова ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Буғдой донининг технологик сифатини яхшилаш бўйича Д.Убайдуллаева, Н.Эрназарова, Ш.Ҳазраткулова, Б.Азизов, Р.Ҳасановалар томонидан мақсадли илмий тадқиқотлар бажарилган. Лекин, Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларида кузги буғдой навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш учун ривожланиш фазаларига боғлиқ равишда тупроқ озик муҳитини шаклланиши ва ўсимликда озик элементлар тўпланиши ҳамда минерал ўғитлар қўллашнинг мақбул тизимини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-007 «Тупроқ, ўғит ва ўсимлик генотипи ўртасидаги ўзаро таъсири ва уни бошқарувнинг назарий асоси» (2012–2016 йй.) мавзусидаги фундаментал ва ЁА7-003 «Суғориладиган типик бўз тупроқларда кузги буғдойга ўғит қўллаш тизимини ишлаб чиқишда навнинг генотипик хусусияларини ҳисобга олиш услубини яратиш» (2012–2013 йй.) мавзусидаги (ёш олимлар) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларида кузги буғдой навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили шакллантиришни таъминлайдиган мақбул ўғит қўллаш тизимини ишлаб

чиқиш, ушбу тизим фонида кузги буғдой ривожланиш фазаларининг аниқ муддатларида тупроқда ҳосил бўлган ҳаракатчан  $N-NO_3:P_2O_5:K_2O$  ва ўсимликда умумий  $N:P:K$  миқдорини ва нисбатини аниқлаш, улар асосида стандарт ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида минерал ўғитлар меъёрининг тупроқдаги нитрат азоти, ҳаракатчан фосфор ва калий динамикасига таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва нисбатини кузги буғдой ривожланиш фазаларида ўсимлик  $NPК$ ни ўзлаштиришига таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва нисбатида кузги буғдой навларининг ўсиши ва ривожланиши ҳамда куруқ масса тўплашини аниқлаш;

ўғит, нав ва ҳосилдорлик ўртасидаги муносабатни баҳолаш;

кузги буғдой навларининг дон сифатига минерал ўғитларнинг таъсирини аниқлаш;

кузги буғдой навларига қўлланилган минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

кузги буғдой навларининг юқори ва сифатли дон ҳосили шакллантиришига қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари, минерал ўғитлар, кузги буғдойнинг «Таня», «Ҳосилдор», «Половчанка» навлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** минерал ўғит меъёрларининг таъсири, тупроқдаги ҳаракатчан озик моддалар динамикаси, кузги буғдой навларининг  $NPК$ ни ўзлаштириши, уруғларнинг униб чиқиши, ўсимлик ўсиши ва куруқ масса тўплаши, кузги буғдойнинг юқори ва сифатли дон ҳосил шакллантиришини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари «Методика полевого опыта» ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубиятлари бўйича ўтказилган. Тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш ва уларнинг кимёвий таҳлили «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии», кузги буғдой дон, унбоплик ва нонбоплик сифат кўрсаткичлари таҳлили «Зерновые, зернобобовые и масличные культуры» услуби асосида бажарилган ҳамда тажрибадан олинган маълумотларнинг дисперсион-статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услуби бўйича бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш бўйича мақбул ўғит қўллаш тизими ишлаб чиқилган;

юқори ва сифатли дон ҳосили шакллантирган кузги буғдой ривожланиш фазаларининг (тупланиш, найчалаш, бошоқлаш, сут пишиш) аниқ муддатларида тупроқда ҳаракатчан озик элементларнинг ( $N-NO_3:P_2O_5:K_2O$ ) миқдори ва нисбати аниқланган;

юқори ва сифатли дон ҳосил шакллантирган кузги буғдой навларининг ривожланиш фазаларининг аниқ муддатларида ўсимликда умумий азот, фосфор ва калий миқдори ва нисбати аниқланган;

суғориладиган типик бўз тупроқларда ҳаракатчан озик моддаларнинг мақбул миқдори ва нисбати, кузги буғдойнинг энг яхши ўсиб ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, озик моддаларни яхши ўзлаштириши, юқори ва сифатли дон ҳосили шакллантиришини белгилайдиган минерал ўғитлар қўллашнинг мақбул тизими илмий жиҳатдан асосланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида  $N_{250}P_{150}K_{150}$  кг/га ўғит фонида кузги буғдойнинг «Таня» навидан энг юқори (68,35 ц/га) ҳосил олинди. Шу фонда энг юқори сифат (13,94% оқсил, 28,44% клейковина, 78,2% шишасимонлик, 802,1 г/л дон натураси, ИДК кўрсаткичи 78) қайд этилган. «Ҳосилдор» навида энг юқори (63,22 ц/га) дон ҳосили  $N_{200}P_{150}K_{100}$  кг/га ўғит фонида, сифатли дон шаклланиши эса (оқсил 13,6%, клейковина 27,74% шишасимонлик 78,7%, дон натураси 801,8 г/л, ИДК кўрсаткичи 75)  $N_{200}P_{100}K_{100}$  кг/га ўғит фонида кузатилган.  $N_{250}P_{150}K_{150}$  кг/га ўғит фонида «Половчанка» навидан энг юқори (70,28 ц/га) дон ҳосили олинган.  $N_{200}P_{150}K_{150}$  кг/га ўғит фонида юқори сифатли дон (оқсил 13,52%, клейковина 27,67%, шишасимонлик 77,7%, дон натураси 797,5 г/л, ИДК кўрсаткичи 77) етиштиришга эришилган;

кузги буғдойнинг «Таня» навидан юқори сифатли дон етиштирилган ўғит фонида ҳайдалма қатламида поя баландлиги 18,1 см бўлганда  $N-NO_3$  39,62 мг/кг ва унга нисбатан  $P_2O_5-1,68:K_2O-6,73$ ; поя баландлиги 43,1 см ва 29,3% найчалаганда  $N-NO_3$  17,32 мг/кг ва унга нисбатан  $P_2O_5-3,55:K_2O-14,21$ ; поя баландлиги 79,8 см ва 42,1% бошоқлаганда  $N-NO_3-27,08$  мг/кг ва унга нисбатан  $P_2O_5-1,96:K_2O-8,97$ ; поя баландлиги 102,1 см ва 46,7% сут пишишга кирганда  $N-NO_3-28,28$  мг/кг ва унга нисбатан  $P_2O_5-1,93:K_2O-8,69$  нисбат ҳосил бўлган. «Ҳосилдор» навида энг юқори дон ҳосили  $N_{200}P_{150}K_{100}$  кг/га ўғит фонида, сифатли дон шаклланиши эса  $N_{200}P_{100}K_{100}$  кг/га ўғит фонида кузатилган.  $N_{250}P_{150}K_{150}$  кг/га ўғит фонида «Половчанка» нави энг юқори дон ҳосили олинди,  $N_{200}P_{150}K_{150}$  кг/га ўғит фонида юқори сифатли дон шакллантирган. Бу кўрсаткичлар асосида ушбу навлар учун юқори сифатли дон шакллантириш бўйича стандарт ишлаб чиқилган;

«Ҳосилдор» навида энг юқори дон ҳосили  $N_{200}P_{150}K_{100}$  кг/га ўғит фонида, сифатли дон шаклланиши эса  $N_{200}P_{100}K_{100}$  кг/га ўғит фонида кузатилган.  $N_{250}P_{150}K_{150}$  кг/га ўғит фонида «Половчанка» навидан энг юқори дон ҳосили олинди,  $N_{200}P_{150}K_{150}$  кг/га ўғит фонида юқори сифатли дон шакллантирган. «Таня» навида  $N_{250}P_{150}K_{150}$  кг/га ўғит фонида аниқ муддатларда ўсимликда тупланишда  $N-5,1$ ,  $P-0,55$ ,  $K-4,01\%$  (1:0,11:0,79), найчалашда  $N-3,71$ ,  $P-0,44$ ,  $K-3,81\%$  (1:0,12:1,03), бошоқлашда  $N-2,31$ ,  $P-0,40$ ,  $K-2,82\%$  (1:0,17:1,22), сут пишишда  $N-2,11$ ,  $P-0,28$ ,  $K-2,01\%$  (1:0,13:0,95) миқдор ва нисбати шаклланган. Аниқланган кўрсаткичлар асосида юқоридаги навлар учун юқори ва сифатли дон шакллантириш бўйича стандарт ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотдан олинган маълумотлар дисперсион-статистик таҳлил қилинганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, олинган натижаларнинг ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги, олинган натижа ва хулосалар асосланганлиги, дала тажрибалари ТАИТИ олимлари томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларида чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой навларидан юқори ва сифатли дон етиштириш бўйича минерал ўғитлар қўллашнинг мақбул тизими ишлаб чиқилганлиги, ушбу мақбул тизим фонида кузги буғдой ривожланиш фазаларининг аниқ муддатларида тупроқда ҳаракатчан  $N-NO_3:P_2O_5:K_2O$  ва ўсимликда  $N:P:K$ нинг миқдори ва нисбатлари аниқланиб, стандартга айлантирилганлиги ҳамда мақбул тизим фонида ҳаракатчан озик моддаларнинг энг яхши миқдори ва нисбати, кузги буғдойнинг яхши ўсиб ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, озик моддаларни яхши ўзлаштириши, юқори ва сифатли дон ҳосили шакллантириши илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – Тошкент вилояти суғориладиган типик бўз тупроқларида кузги буғдойнинг «Таня», «Ҳосилдор» ва «Половчанка» навлари учун юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш бўйича мақбул минерал ўғитлар қўллаш тизими ишлаб чиқилганлиги, кузги буғдой ривожланиш фазаларининг аниқ муддатларида тупроқда ҳаракатчан  $N-NO_3:P_2O_5:K_2O$  ва ўсимликда  $N:P:K$  шаклланган миқдори ва нисбати аниқланиб, стандартга айлантирилганлиги, минерал ўғитлардан самарали фойдаланишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кузги буғдой донининг сифатини оширишда нав ва ўғитнинг аҳамияти бўйича олинган илмий натижалари асосида:

кузги буғдойнинг дон ҳосили ва технологик сифатини кўтариш бўйича «Суғориладиган типик бўз тупроқларида кузги буғдойнинг дон ҳосилини ошириш ва технологик хусусиятларини яхшилашда минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар» тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 02/023-274-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома Тошкент вилояти Қибрай туманида кузги буғдойдан юқори ҳосил ва сифатли дон етиштириш бўйича қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари, жумладан фермерлар учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

суғориладиган типик бўз тупроқларида кузги буғдойнинг «Таня» нави учун мақбул ўғит қўллаш тизими ( $N_{250}P_{150}K_{150}$  (Фон+ $N_{100}P_{50}K_{100}$ ) кг/га) ишлаб

чиқилган ва Тошкент вилояти Қибрай тумани фермер хўжалиklarининг 80,02 гектар майдонларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 02/025-2571-сонли маълумотномаси). Натижада анъанавий ўғит меъёрига нисбатан дон ҳосили гектарига 4,0–5,0 центнер, дон оқили 1,6–1,8%, клейковинаси 2,5–2,8%, шишасимонлиги 6,1–6,2% га ва дон натура кўрсаткичи литрига 4,0–4,3 граммга ошган ва нонбоблик қобилиятини яхшилашга эришилган;

«Таня» навининг ривожланиши фазаларини аниқ муддатларида (тупланиш, найчалаш, бошоқлаш, сут пишиш) ҳайдалма қатламида ҳаракатчан  $N-NO_3:P_2O_5:K_2O$  миқдори ва нисбати аниқланиб, улар асосида стандарт ишлаб чиқилган ва Тошкент вилояти Қибрай тумани фермер хўжалиklarининг 9,265 гектар майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 02/025-2571-сонли маълумотномаси). Натижада фермер хўжалиklarарида анъанавий шароитга нисбатан стандартдан фойдаланиб, кузги буғдой ривожланиш фазалари бўйича тупроқда озиқ элементлар миқдори ва нисбати шакллантириб борилганда ўсимлик ўсиши ва ривожланиши яхшиланиб, гектарига 4,1–5,3 центнер кўшимча дон ҳосили олинган ва ўғит тежалишига эришилган;

«Таня» навининг тупланиш, найчалаш, бошоқлаш, сут пишиш фазаларини аниқ муддатларида ўсимликда шаклланган  $N:P:K$ нинг мақбул миқдори ва нисбати аниқланиб, стандартга айлантирилган ва Тошкент вилояти Қибрай тумани фермер хўжалиklarининг 10,86 гектар майдонларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 25 сентябрдаги 02/025-2571-сон маълумотномаси). Натижада фермер хўжалиklarарида анъанавий шароитга нисбатан стандартдан фойдаланиб, кузги буғдой ривожланиш фазалар бўйича назорат қилиниб, ўсимликда шакллантириб борилганда дон натура кўрсаткичи литрга 4,0–4,3 грамм, донда оқсил 1,8–2,0%, клейковина 2,8–3,2%, шишасимонлигини 5,6–5,8% га яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр этилган. Жумладан, 1 тавсиянома, 2 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 5 боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Минерал ўғитларнинг кузги буғдой дон ҳосилдори ва сифатига таъсири**» деб номланган биринчи боби иккита бўлимдан иборат бўлиб, «*Ўзбекистон суғориладиган тупроқларида буғдой етиштириш ва унинг натижалари*» деб номланган биринчи бўлимида минерал ўғитларнинг буғдой дон ҳосилдорлигига таъсири ҳақида МДХ ва республикада олиб борилган тадқиқотлар натижалари таҳлил этилган ва батафсил ёритилган. Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида «*Минерал ўғитлар таъсирида кузги буғдой дон сифатининг шаклланиши*» бўйича хорижий, МДХ ва республикада олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари танқидий таҳлил этилган. Қайд қилинган адабиётлар маълумотлари ҳулосаси сифатида республикада суғориладиган типик бўз тупроқларида кузги буғдой навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш бўйича илмий изланишлар зарурлиги илмий асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот олиб бориш шароити ва услуби**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг иқлими, тупроқлари ва навлар тавсифи ҳамда тадқиқот олиб бориш услублари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот олиб борилган ҳудуд Тошкент вилоятида жойлашганлиги боис шу ҳудуднинг иқлим шароитлари таҳлил қилинган. “Тошкент” метеостанциясини кўп йиллик маълумотларига кўра, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 2009–2010 йиллар (октябр бошланиши, сентябр тугаши) +15,0°C, 2010–2010 йиллар +15,8°C, 2011–2012 йиллар +16,9°C ни ташкил этган. Йиллик ёғин миқдори уч йилда 41,0–49,0 мм орасида тебранган.

Илмий изланишларимиз Тошкент вилояти Қибрай туманида тарқалган суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида олиб борилди. Кесма асосида олинган дастлабки тупроқ намуналари таҳлил натижаларига кўра тупроқ профилининг барча қатламлари ўрта кумоқ, 0–31 см қатламида 0,25 мм дан катта фракциялар 0,5%, 0,05–0,01 мм ҳажмдаги фракциялар 54,4%, 0,01 мм дан кичик фракциялар 38,7% ни ташкил қилган. Ушбу қатламда гумус миқдори 1,56%, CO<sub>2</sub> 0,905%, умумий азот миқдори 0,13%, фосфор 0,14%, калий миқдори 1,61%, углеродга азот нисбати 6,80 ва ҳаракатчан N–NO<sub>3</sub>–27,5, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–37,0, K<sub>2</sub>O–283,7 мг/кг ни ташкил қилди ва пастки қатламларда камайиб борган.

Дала тажрибаси 2010–2012 йиллар мобайнида (2009 йил октябрда экилган) Тошкент Давлат аграр университети “Илмий-тадқиқот ва ўқув тажриба станцияси” ер майдонларида 3 та («Таня», «Ҳосилдор» «Половчанка») нав билан 1-жадвалда келтирилган ўғит қўллаш тизимида кузги буғдой навларининг ўғит меъёри ва нисбатларига таъсирчанлиги ўрганилган.

Тупроқ ва ўсимлик намуналарининг кимёвий таҳлили «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» қўлланмаси,

доннинг технологик сифат кўрсаткичлари «Зерновые, зернобобовые и масличные культуры» қўлланмаси асосида амалга оширилган.

1- жадвал.

### Ўғит қўллаш тизими, кг/га

Вариантлар	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри	Шудгор остида		Экиш даврида			Тупланиш даврида	Найчаланш даврида	Бошоқланш даврида	Сут пишиш даврида
		Р	К	Н	Р	К	Н	Н	Н	Н
1	Назорат N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub>	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2	Фон-N <sub>150</sub> P <sub>100</sub> K <sub>50</sub>	70	25	20	30	25	50	-	50	30
3	Фон+N <sub>50</sub>	70	25	30	30	25	60	-	70	40
4	Фон+N <sub>50</sub> K <sub>50</sub>	70	50	30	30	50	60	-	70	40
5	Фон+N <sub>50</sub> P <sub>50</sub> K <sub>50</sub>	100	50	30	50	50	60	-	70	40
6	Фон+N <sub>50</sub> P <sub>50</sub> K <sub>100</sub>	100	100	30	50	50	60	-	70	40
7	Фон+N <sub>100</sub> P <sub>50</sub> K <sub>100</sub>	100	100	40	50	50	70	-	90	50
8	Фон+N <sub>100</sub> P <sub>100</sub> K <sub>100</sub>	140	100	40	60	50	70	-	90	50

Дала тажрибалари ўтказиш, ҳисоблаш, кузатувлар, олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмаси ва Б.А.Доспеховнинг услубиёти асосида бажарилган.

Диссертациянинг «**Минерал ўғитлар меъёри ва нисбати таъсирида тупроқда ҳаракатчан ва ўсимликда умумий азот, фосфор ва калий миқдори ва нисбатининг ўзгариши**» деб номланган учинчи боби иккита бўлимдан иборат бўлиб, «*Минерал ўғитлар меъёри ва нисбатининг тупроқдаги ҳаракатчан озик элементлар динамикасига таъсири*» деб номланган биринчи бўлимида минерал ўғитлар таъсирида тупроқ ҳайдалма қатламида ҳаракатчан озик элементлар динамикаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Кузги буғдойнинг «Таня» нави тупроқларини ҳайдалма қатламида назорат (ўғитсиз) ва ўғит меъёри ва нисбатига боғлиқ ҳолда N–NO<sub>3</sub> тупланиш даврида 21,41–42,50 мг/кг, «Ҳосилдор» навида 21,10–44,34 мг/кг, «Половчанка» навида 21,02–41,77 мг/кг ва найчаланш даврида «Таня» навида 15,98–24,95 мг/кг «Ҳосилдор» навида 16,24–29,62 мг/кг, «Половчанка» навида 14,94–23,91 мг/кг ва бошоқланш даврида «Таня» навида 12,69–32,11 мг/кг, «Ҳосилдор» навида 13,01–44,30 мг/кг, «Половчанка» навида 11,20–34,86 мг/кг ҳамда сут пишиш даврида «Таня» 11,11–40,01 мг/кг, «Ҳосилдор» навида 11,48–53,09 мг/кг «Половчанка» навида 9,44–42,43 мг/кг орасида тебранган. Энг юқори кўрсаткич 8-вариантда кузатилган. Бу вариантда сут пишиш даврига келиб, навлар ўртасида 40,01–53,09 мг/кг орасида катта фарқ билан тупроқда қолган. Тупроқдан ўзлаштирилмай қолиши бўйича энг юқори кўрсаткич «Ҳосилдор» нави тупроқларида кузатилган.

Минерал ўғитлар меъёри ва нисбати тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорига бошқача таъсир қилди. Ҳаракатчан фосфор миқдори даврлар бўйича кузатилганда фақат камайиш тартибида жойлашган. Вариантлар ўртасида минерал ўғитлар меъёри ва нисбатига боғлиқ ҳолда ўзгариб борди. Ҳаракатчан фосфор «Таня» навини тупланиш даврида 31,08–80,37 мг/кг,

найчалашда 29,87–71,12 мг/кг, бошоқлашда 27,83–64,58 мг/кг, сут пишишда 28,13–65,55 мг/кг орасида тебранган. Ҳаракатчан фосфор миқдори 8 вариантда тупроқда кўп қолган. Навлар ўртасида солиштирилганда «Ҳосилдор» нави тупроқларида энг кўп ҳаракатчан фосфор (72,76 мг/кг) ва алмашинувчан калий қолганлиги аниқланган.

Ушбу бобнинг «*Минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва нисбати таъсирида ўсимликнинг азот, фосфор, калийни ўзлаштириши ва ўсимликда тўпланиши*» деб номланган иккинчи бўлимида минерал ўғитлар таъсирида ўсимликнинг азот, фосфор ва калийни ўзлаштириши ва ўсимлик баргида тўпланиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Тупроқдан озик моддаларни ўзлаштириш назорат вариантыда навлар ўртасида N–59,9–68,0, P–25,7–30,2, K–41,1–52,4 кг/га орасида тебранган бўлса, NP ни «Половчанка» ва «Ҳосилдор» навлари кўп, K ни эса «Таня» нави кўпроқ ўзлаштирган. Тупроқдан озик моддаларни ўзлаштириш ўғитли вариантларда энг юқори кўрсаткичлар «Таня» навида N–249,7 кг/га 7-вариантда, P–75,8 кг/га 8 вариантда, K–168,7 кг/га 6-вариантда кузатилган. «Ҳосилдор» навида эса N–205,5 кг/га 4-вариантда, P–70,3 кг/га, K–146,9 кг/га 5-вариантда қайд қилинди. «Половчанка» навида N–232,7–234,3 кг/га 6, 7-вариантларда, P–78,1 кг/га 7-вариантда, K–156,2 кг/га шу вариантда ўзлаштирилганлиги маълум бўлди.

10 центнер дон шакллантириш учун «Таня» навида N–29–37 кг, P–11–15 кг, K–24–30 кг ва «Ҳосилдор» навида эса N–32–35 кг, P–11–15 кг, K–19–24 кг ҳамда «Половчанка» навида N–32–36 кг, P–11–16 кг, K–22–26 кг сарфланган. Биз олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра назорат вариантыда 10 центнер дон ҳосил қилиш учун NPK нисбатан кўп сарфланган.

Диссертациянинг «**Минерал ўғитларнинг кузги буғдойни ўсиши ва ривожланиши, куруқ масса тўплаши, ҳосил элементлари ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган тўртинчи боби бешта бўлимни ўз ичига олган бўлиб, «*Ҳар хил ўғит фонида кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва куруқ масса тўплаши*» деб номланган биринчи бўлимида минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва нисбати таъсирида ўсиши, ривожланиши ва куруқ масса тўплаши ҳақида маълумотлар келтирилган. Кузги буғдой ўсиши, ривожланиши ва куруқ масса тўплаши бўйича фенологик кузатувлар натижаларига кўра тўпланиш - сут пишиш давлари орасида бу вариантларда «Таня» нави битта ўсимлигининг илдиз вазни 0,17–0,96 г, ер устки вазни 0,33–1,83 г ва поя баландлиги 18,1–102,1 см, «Половчанка» навники 0,18–0,88 г, ер устки вазни 0,36–2,35 г ва поя баландлиги 18,7–112,9 см ва «Ҳосилдор» навники эса 0,16–0,83 г, ер устки вазни 0,31–1,86 г ва поя баландлиги 19,1–104,7 см гача ўзгариб борган. «Таня» ва «Половчанка» навларининг 7-вариантида, «Ҳосилдор» навининг 5-вариантида энг юқори кўрсаткичларга эришилган.

Мазкур бобнинг «*Минерал ўғитлар меъёри ва нисбатининг кузги буғдой навларини ҳосил структура элементларининг шаклланишига таъсири*» деб номланган иккинчи бўлимида суғориладиган типик бўз тупроқларда минерал ўғитлар меъёри ва нисбатининг кузги буғдой навларини ҳосил структура элементларининг шаклланишига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, энг юқори маҳсулдор поялар кўрсаткичига эришган ҳолат «Таня» ва

«Половчанка» навларида Фон+N<sub>100</sub>P<sub>50</sub>K<sub>100</sub> кг/га ўғит қўлланилган вариантда мос равишда 392,2 ва 404,1 м<sup>2</sup>/дона ни ташкил қилган. «Ҳосилдор» навида эса Фон+N<sub>50</sub>P<sub>50</sub>K<sub>50</sub> кг/га вариантыда 368,9 м<sup>2</sup>/дона маҳсулдор поялар тўпланган. Ушбу ўғит меъёрларида 1000 та дон вазни, 1 та бошоқдаги дон сони бўйича ҳам энг юқори кўрсаткичлар қайд этилган.

Мазкур бобнинг «*Минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва нисбатида навларни дон ҳосилдорлиги ва уни статистик таҳлили*» деб номланган учинчи бўлимида суғориладиган типик бўз тупроқларда ўғит меъёри ва нисбатига навларнинг дон ҳосили бўйича талаби ва олинган ҳосилнинг статистик таҳлили келтирилган бўлиб, «Таня», «Ҳосилдор» ва «Половчанка» навлари фосфорнинг ўртача меъёрига (P<sub>150</sub> кг/га) «Таня» ва «Половчанка» навлари азот ва калийнинг юқори (N<sub>250</sub>K<sub>150</sub> кг/га) ва «Ҳосилдор» нави эса ўртача меъёрларига (N<sub>200</sub>K<sub>100</sub> кг/га) талабчанлиги аниқланди. Шу вариантларда юқори дон ҳосили олишга эришилди (2-жадвал).

Энг кичик муҳим фарқ (ЭКФ<sub>05</sub>) 95% ли эҳтимолликда «Таня» навида 2010 йил-2,4, 2011 йил-4,38, 2012 йил-3,82, ўртача-3,55 ц/га ташкил қилди. «Таня» навида 5 ва 6-вариантларда ЭКФ<sub>05</sub> ичида ўзгарганлиги бошқа вариантларда бундан юқори бўлганлиги аниқланган. «Ҳосилдор» нави ўртача кўрсаткич бўйича 4, 5-вариантларда ЭКФ<sub>05</sub> (3,49 ц/га) доирасида, «Половчанка» навида 5, 6, 7-вариантларда ЭКФ<sub>05</sub> (4,03 ц/га) доирасида ўзгарган.

2-жадвал.

**Минерал ўғитларнинг ҳар хил миқдори ва нисбати таъсирида кузги бугдой навлари ҳосилдорлиги (2010–2012 йй.), ц/га**

№	«Таня» нави				«Ҳосилдор» нави				«Половчанка» нави			
	2010	2011	2012	ўрт.	2010	2011	2012	ўрт.	2010	2011	2012	ўрт.
1	17,45	16,01	16,86	16,77	17,12	16,01	15,45	16,19	18,89	18,99	17,88	18,58
2	30,12	29,98	30,48	30,19	33,13	32,81	32,94	32,96	32,99	30,12	30,03	31,05
3	46,87	48,13	48,94	47,98	52,14	53,21	48,01	51,11	50,23	50,45	47,11	49,26
4	54,12	52,67	54,01	53,62	60,44	60,95	60,01	60,47	61,55	59,75	60,12	60,47
5	63,12	61,85	63,81	62,98	63,89	64,22	61,56	63,22	67,52	65,12	66,3	66,3
6	64,9	62,14	62,12	63,1	56,12	55,45	54,37	55,31	68,45	65,44	67,23	67,04
7	67,4	68,77	68,85	68,35	51,09	52,01	47,61	50,24	71,01	73,23	66,61	70,28
8	54,11	53,4	54,04	53,83	46,1	44,13	42,99	44,41	58,45	57,12	56,49	57,35
*	2,45	4,38	3,82	3,55	3,10	3,72	3,65	3,49	4,48	2,92	4,70	4,03
**	4,92	8,91	7,66	7,16	6,52	7,86	8,04	7,47	8,34	5,55	9,13	7,67

Изоҳ: \*ЭКФ (05) ц/га, \*\*ЭКФ (05) %.

Мазкур бобнинг «*Кузги бугдойга минерал ўғитлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги*» деб номланган туртинчи бўлимида минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Минерал ўғитлар қўллашда дон ҳосили бўйича энг юқори рентабеллик кўрсаткичи «Таня» ва «Половчанка» навларида Фон+N<sub>100</sub>P<sub>50</sub>K<sub>100</sub> кг/га ўғит қўлланилган вариантда (69,5%, 74,3%) ва «Ҳосилдор» навида Фон+N<sub>50</sub>P<sub>50</sub>K<sub>50</sub> кг/га ўғит қўлланилган вариантда (63,6%) кузатилди.

Мазкур бобнинг «*Суғориладиган типик бўз тупроқларда кузги бугдой навларидан юқори дон ҳосил шакллантиришни бошқариши*» деб номланган

бешинчи бўлимида ушбу тупроқларда кузги буғдой навларининг юқори дон ҳосили шакллантиришини бошқариш бўйича аниқ тавсиялар берилган.

Юқори дон ҳосили етиштирилган кузги буғдой навлари тупроқларида озик моддалар миқдори ва нисбатининг ўзгариб бориши куйидагича:


«Таня» навида (68,35 ц/га дон ҳосили) поя баландлиги 18,1 см бўлганда тупроқнинг 0–30 см қатламида N–NO<sub>3</sub>–39,62 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–1,68:K<sub>2</sub>O–6,73; поя баландлиги 43,1 см ва 29,3% найчалаганда N–NO<sub>3</sub>–17,32 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–3,55:K<sub>2</sub>O–14,21; поя баландлиги 79,8 см ва 42,1% бошоқлаганда N–NO<sub>3</sub>–27,08 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–1,96:K<sub>2</sub>O–8,97; поя баландлиги 102,1 см ва 46,7% сут пишишга кирганда N–NO<sub>3</sub>–28,28 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–1,93:K<sub>2</sub>O–8,69 нисбатда бўлган. «Ҳосилдор» навида (63,22 ц/га дон ҳосили) поя баландлиги 19,1 см бўлганда тупланишда N–NO<sub>3</sub>–35,45 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–1,87:K<sub>2</sub>O–7,28; поя баландлиги 44,9 см ва 30,6% найчалаганда N–NO<sub>3</sub>–15,33 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–4,03:K<sub>2</sub>O–15,48; поя баландлиги 81,8 см ва 42,6% бошоқлаганда N–NO<sub>3</sub>–20,91 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–2,58:K<sub>2</sub>O–11,21; поя баландлиги 79,8 см ва 42,1% сут пишишга кирганда N–NO<sub>3</sub>–25,27 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–2,19:K<sub>2</sub>O–9,36 нисбат ҳосил қилган. «Половчанка» навида (70,28 ц/га дон ҳосили) поя баландлиги 18,7 см бўлганда тупланишда N–NO<sub>3</sub>–39,21 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–1,7:K<sub>2</sub>O–6,87; поя баландлиги 45,6 см ва 28,1% найчалаганда N–NO<sub>3</sub>–16,96 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–3,62:K<sub>2</sub>O–14,49; поя баландлиги 85,6 см ва 38,1% бошоқлаганда N–NO<sub>3</sub>–26,25 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–2,01:K<sub>2</sub>O–9,23; поя баландлиги 112,9 см ва 43,8% сут пишишга кирганда N–NO<sub>3</sub>–32,59 мг/кг ва унга нисбатан P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–1,66:K<sub>2</sub>O–7,55 нисбатда бўлиши кузатилган.

Юқори дон ҳосили етиштирилган кузги буғдой навлари баргида NPK миқдори ва нисбати куйидагича:

«Таня» навини поя баландлиги 18,1 см бўлганда баргида тупланишда N–5,1, P–0,55, K–4,01%; поя баландлиги 43,1 см ва 29,3% найчалаганда N–3,71, P–0,44, K–3,81%; поя баландлиги 79,8 см ва 42,1% бошоқлаганда N–2,31, P–0,40, K–2,82%; поя баландлиги 102,1 см ва 46,7% сут пишишга кирганда N–2,11, P–0,28, K–2,01% ташкил этган. «Ҳосилдор» нави (63,22 ц/га) баргида поя баландлиги 19,1 см бўлганда тупланишда N–4,3, P–0,54, K–4,01%; поя баландлиги 44,9 см ва 30,6% найчалаганда N–1,90, P–0,28, K–2,05%; поя баландлиги 81,8 см ва 42,6% бошоқлаганда N–2,11, P–0,25, K–2,01% ва поя баландлиги 79,8 см ва 42,1% сут пишишга кирганда N–2,0, P–0,25, K–1,9% бўлган. «Половчанка» (70,28 ц/га) нави поя баландлиги 18,7 см бўлганда тупланишда N–5,03, P–0,46, K–3,93%; поя баландлиги 45,6 см ва 28,1% найчалаганда N–3,71, P–0,39, K–3,22%; поя баландлиги 85,6 см ва 38,1% бошоқлаганда N–2,43, P–0,30, K–2,0%; поя баландлиги 112,9 см ва 43,8% сут пишишга кирганда N–1,93, P–0,16, K–1,8% бўлганлиги кузатилган.


Диссертациянинг «**Минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва нисбатини кузги буғдой навлари донининг технологик сифатига таъсири**» деб номланган бешинчи боби тўққиз бўлимдан иборат бўлиб, «*Минерал ўғитлар меъёри ва нисбатининг кузги буғдой донини физик сифат кўрсаткичлари таъсири*» деб номланган биринчи бўлимида минерал

Ўғитларнинг доннинг натура кўрсаткичига, 1000 та дон вазни, дон шишасимонлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Энг юқори дон натура кўрсаткичи (1-расм) ва 1000 та дон вазни бўйича «Таня» ва «Половчанка» навларида 7-вариантда, «Ҳосилдор» навида 5-вариантда кузатилган бўлса, дон шишасимонлик кўрсаткичи бўйича «Таня» нави 7-вариант, «Половчанка» нави 6-вариант ва «Ҳосилдор» нави 4-вариантда қайд этилган.



1-расм. Дон физик сифат кўрсаткичларининг минерал ўғит меъёри ва нисбатига боғлиқ ҳолда ўзгариши (2010-2012 йй.)

Мазкур бобнинг «*Минерал ўғитлар меъёри ва нисбатининг кузги бугдой навлари донида оқсил тўпланишига таъсири*» деб номланган иккинчи бўлимида минерал ўғитлар таъсирида кузги бугдой донида оқсил тўпланиши ҳақида маълумотлар келтирилган (2-расм). Назоратдан энг мақбул ўғит меъёригача «Таня» нави донида оқсил миқдори 8,20–13,94%, «Половчанка» нави донида 8,50–13,52% ва «Ҳосилдор» навида 8,63–13,61% орасида ўзгариб борган. Юқори миқдорда донда оқсил тўпланиш «Таня» навида (7-в), «Половчанка» навида (6-в) ва «Ҳосилдор» навида (4-в) кузатилган.



2-расм. Дон таркибидаги оқсил ва крахмал миқдорининг минерал ўғит меъёри ва нисбатига боғлиқ ҳолда ўзгариши (2010–2012 йй.)

Мазкур бобнинг «*Минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва нисбатини кузги бугдой донида крахмал тўпланишига таъсири*» деб номланган учинчи бўлимида минерал ўғитлар таъсирида донда крахмал тўпланиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Донда крахмал тўпланиши бўйича назоратдан ўғит қўлланилган вариантларга томон «Таня» навида 69,81–64,86%, «Ҳосилдор» навида 68,8–64,21% «Половчанка» навида 69,05–64,32 фоизгача ўзгариб борган. Энг юқори кўрсаткичлар назорат вариантыда аниқланган

бўлса, энг паст кўрсаткичлар «Таня» навида (7-в), «Ҳосилдор» навида (4-в), «Половчанка» навида (6-в) вариантларда кузатилган (2-расм).

Мазкур бобнинг «*Минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва нисбатига боғлиқ ҳолда кузги бугдой донининг кимёвий таркибининг ўзгариши*» деб номланган учинчи бўлимида донида мойдорлик, клетчатка, кул моддалар миқдори ҳақида маълумотлар келтирилган. Кузги бугдой навлари донининг мойдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич (2,70–2,88%) барча навларда (8-в), клетчатка бўйича (2,23–2,73%) эса (7-в), кулдорлик (2,32–2,66%) эса назорат вариантыда кузатилган. Доннинг мойдорлиги ва клетчатка бўйича устунлик «Ҳосилдор» навида, кулдорлик бўйича «Таня» навида бўлди.

Мазкур бобнинг «*Ҳар хил ўғит фонидида кузги бугдой донида клейковина миқдори ва сифатининг ўзгариши*» деб номланган тўртинчи бўлимида «Таня» нави донида клейковина миқдори 28,44% (7-в), «Ҳосилдор» нави донида 28,04% (4-в), ва «Половчанка» нави донида 27,67 фоизни (6-в) ҳамда юқоридаги вариантларда ИДК кўрсаткичи мос равишда 78, 75, 77 бўлиб, 45 дан 75 гача яхши I синф клейковина сифатини ташкил қилган.

Мазкур бобнинг «*Минерал ўғитларнинг ҳар хил меъёри ва нисбатини кузги бугдой навларининг унбоплик қобилятига таъсири*» деб номланган олтинчи бўлимида ун чиқиши «Таня» навида 69,31–77,64%, «Ҳосилдор» навида 69,2–75,32%, «Половчанка» навида 68,30–75,32% гача, ун кучи «Таня» навида 28,32–41,38 мм, «Ҳосилдор» навида 29,11–41,01 мм, «Половчанка» навида 26,40–40,23 миллиметргача, уннинг сувни сингдириш қобиляти «Таня» навида 54,32–65,80%, «Ҳосилдор» навида 55,12–66,41%, «Половчанка» навида 53,24–64,33% орасида тебраниши кузатилган. Унда унбоплик қобиляти «Таня» навида (7-в), «Ҳосилдор» навида (4-в) ва «Половчанка» навида (6-в) вариантыда юқори бўлган.

Мазкур бобнинг «*Минерал ўғитлар меъёри ва нисбати ҳамда навга боғлиқлик ҳолда нонбоплик қобилятининг ўзгариши*» деб номланган еттинчи бўлимида назорат вариантыда уччала навда нон ҳажми 324,33–326,4 мм орасида тебранган бўлса, бунда энг юқори кўрсаткич «Ҳосилдор» навида ва ўртачаси «Таня» навида кузатилди. Ўғитланган вариантларда энг яхши кўрсаткич 519,3–535,01 мм орасида тебранди. Шакл турғунлиги ҳам нонбоплик қобилятига кирувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб, баллда баҳоланади. «Таня» навида 0,24–0,50 балл, «Ҳосилдор» навида эса 0,25–0,49 балл, «Половчанка» навида эса 0,23–0,47 балл орасида тебранган. Ноннинг ғоваклиги бевосита ноннинг сифатига таъсир қиладиган асосий кўрсаткич. Энг паст кўрсаткич «Таня» навида 65,0%, «Ҳосилдор» 66,3% ва «Половчанка» навида 64,8 фоизни ташкил қилди. Энг юқори кўрсаткич «Таня» навида 80,7%, «Ҳосилдор» навида 79,15% ва «Половчанка» навида 79,8 фоизни ташкил қилди. Кузги бугдой нон ҳажми бўйича «Таня» навида энг юқори кўрсаткич 535,0 мл, «Ҳосилдор» навида 519,6 мл ва «Половчанка» навида 524,9 мл ни бошқа барча кўрсаткичлар бўйича ҳам «Таня» нави устун, кейинги ўринларда «Ҳосилдор» ва «Половчанка» нави бўлганлиги, юқори нонбоплик қобиляти «Таня» навида (7-в), «Ҳосилдор» навида (4-в), «Половчанка» навида (6-в) вариантларида кузатилган.

